

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ
ВЕСТНИК
УЗБЕКИСТАНА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TABIATNI MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASINING
AXBOROT-TAHLILIIY VA ILMIY-AMALIY JURNALI

ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
ГОСКОМПРИРОДЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН


№3(179)2016

еКОЛОГИYA

xabarnomasi

www.econews.uz

ISSN 2010-703X



*Assalom
Navro'z!*

O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasining axborot-tahliliy va ilmiy-amaliy jurnali
Информационно-аналитический и научно-практический журнал
Госкомприроды Республики Узбекистан



Муассис:
 Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Тахрир кенгаши раиси:
 Б. АБДУСАМАТОВ

Тахрир кенгаши аъзолари:
 Б. ТАЖИЕВ,
 С. САЙДАЛИЕВ,
 Б. АБДУХАЛИМОВ,
 В. ЧУБ,
 У. БУРАНОВ,
 С. ЛУТФУЛЛАЕВ,
 Б. ТОШМУХАММЕДОВ,
 С. МУХТОРАЛИЕВ

Бош муҳаррир:
 Н. АБДУЛЛАЕВА

Бош муҳаррир ўринбосари:

А. ШЕРОВ

Масъул котиб:

Ҳ. ТЕШАБОВ

Муҳаррирлар:

А. ЗУЛФИҚОРОВ,

Г. МЕНГЗИЯЕВА,

Саҳифаловчи-дизайнер:

Т. БУРИБОВ

Нашр Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Обуна индекси: 910

Тахририят манзили: 100185 Тошкент шаҳар,
 Сугалли ота кўчаси, 5-уй.
 Телефон: 216-59-85
 Факс: 216-37-95
 E-mail: info@econews.uz
 chinorenk@rambler.ru

Тахририят фикри муаллифлар фикри билан
 тўғри келмаслиги мумкин.

Реклама учун жавобгарлик – реклама
 берувчи зиммасида.

2008 йил 7 мартда Ўзбекистон матбуот ва
 ахборот агентлиги томонидан рўйхатга
 олинган.
 Рўйхатга олиш рақами №0515

Босишга рухсат этилди 29.03.2016
 Формати 60x84¹/₈.
 Табоғи 7 б.т.
 Адади 6000
 Буюртма № 299.

Баҳоסי келишилган нарҳда.

«SANO-STANDART» М.Ч.Ж босмаҳонасида
 офсет усулида чоп этилди

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
 Широқ кўчаси, 100-уй.

2

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Йил сарҳисоб қилинди

3

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

Табиат улуғланган айём

5

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Жамоатчилик экологик назорати: табиат ва она ватанга беқиёс мадад!

10

Файратли, қатъиятли ва талабчан устоз

11

Фарғона гули

12

Эҳтиром

13

ЯНГИЛИКЛАР

Мақсадга муштарак вазифалар

15

Ҳар соҳада фаол ўзбек аёли

17

Талабалар глобал экологик муаммоларга қарши

18

ГИПОТЕЗАЛАР – ТАДҚИҚОТЛАР – ИХТИРОЛАР**И. УСМАНОВ**

К вопросу хозяйственно-питьевого водоснабжения населения бассейна среднего течения Сырдарьи

21

Э. БЕРДИЕВ, М. ХОЛМУРОТОВ, Н. ЖУМАОБОВА

Кўкаламзорлаштириш учун манзарали буталар

23

Г. МАВЛЯНОВ

Снижение загрязнения пресных подземных вод орошаемой зоны посредством применения органо-минерального удобрения

26

Ф. АТАБАЕВ, М. ИСКАНДАРОВА, Н. МАХМУДОВА,**Г. ЧЕРНЫШЕВА, Г. АЛЕХИНА**

Экологически эффективное решение вопроса утилизации хризотилцементных отходов в производстве портландцемента

30

В. РАФИКОВ

Исследование процессов опустынивания в целях обеспечения экологической безопасности страны

32

А. ХАЛМАТОВ, А. ТУРГУНОВ

ArcGIS. Методика картирования данных экологического мониторинга

38

С. ГАИБНАЗАРОВ

Тоғ-кон ва нефть-газ саноатида атроф-муҳит муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари

41

ВЕБ-САҲИФА

Леса планеты. Рациональное лесопользование

42

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК**Ш. АБДУЖАЛИЛОВА**

Система озеленения города Ташкента: Роль зеленых насаждений в городе

43

БУ ҚИЗИҚ...

Яшил томлар ёки томда ҳам қўй боқса бўлади!

44

ХАЛҚОР ТАЖРИБА**Х. АЗИЗОВ**

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик

46

ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ**Ф. ЗИЯЕВ**

Яшил қалқон

48

ЭКОСАНА

Илк баҳорда қизгин тадбирлар

50

ЭКОМУНОЗАРА

Мутахассис жавоб беради

52

ЭКОДАЛИЛ

Пиёниста асаларилар

53

ТАБИАТ ИЛҲОМЛАРИ

Дардга малҳам назму наво

54

ҚИЗИЛ КИТОБ САҲИФАЛАРИДАН

Қошиқбурун

55

Сафсан хурмо

56

ТУРФА ОЛАМ

Табиатнинг баҳорий тухфаси

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН МАНЗАРАЛИ БУТАЛАР

Э.БЕРДИЕВ, Тошкент давлат аграр университети доценти,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
М.ХОЛМУРОТОВ, Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси,
Н.ЖУМАБОЕВА, Тошкент давлат аграр университети III-босқич талабаси

Аҳоли яшаш жойлари, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг кўлами у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш учун қулай шароит яратишга на қолмасдан, уларнинг маданий савиясини ҳам белгилайди. Ота-боболаримиз қадим замонларданок қишлоқ ва маҳалларни обод қилишга, боғ-роғлар барпо этиш ва соя-салқин жойларда хордиқ чиқариш учун шароит яратишга ҳаракат қилишган. Фан-техника ривожланмаган, техника воситалари ҳали шаҳарларга кириб келмаган даврларда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш учун мевали дарахтлардан кўпроқ фойдаланилган, шу билан бирга, соя бериш мақсадида маҳаллий дарахт турларидан сада қайрағоч, чинор ва тол экиб кўпайтирилган. Бутунги кунга келиб эса, аҳоли яшаш жойларининг урбанизациялашуви натижасида турли техноген омиллар ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатаётгани сабабли шаҳарларда мевали дарахтлар экиш тавсия этилмайди.

Дейция



Лавр олчаси





Ҳинд настарини



Қизил пироканта

№3/2016/MART

22

ЕКОЛОГИЯ ХАВАРНОМАСИ

1-расм. Манзарали буталарнинг умумий кўриниши

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштириш учун маҳаллий шароитларга мос дарахт турларининг кўчатларини етиштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Манзарали дарахтлар билан бир қаторда чиройли гулловчи бута турларидан фойдаланиш кўкаламзорлаштириш ишларининг эстетик аҳамиятини янада оширади. Бизнинг шароитимизда экиб синовдан ўтказилган бир қанча бута турлари мавжуд бўлиб, Ҳинд настарини (*Lagerstroemia indica* L.), Қизил пироканта (*Pyracantha coccinea*), Дейция (*Deutzia*), Лавр олчаси (Лавровишня-*Prunus laurocerasus*) каби буталар биоэкологик ва манзаравийлик хусусиятлари бўйича алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳинд настарини (*Lagerstroemia indica* L.) – манзарали ва чиройли гулловчи бута ўсимлиги ҳисобланади. Асл ватани – Хитой. Европа мамлакатларига XIX асрдан бошлаб, Марказий Осиё республикаларига эса XX асрнинг бошларида интродукция қилинган.

Гуллари йирик тўпгул, оқ, қизғиш, тўқ қизил ва бинафшаранг бўлади. Барглари овалсимон, 4–8 см узунликда, устки

қисми тўқ яшил, пастки қисми оч яшил рангли. Мевалари думалоқ 4–6 уругли. Очиқ майдонларда ўсимликнинг баландлиги 10 метргача етади. Булардан ташқари ҳинд настарини экстрактлари лок-бўёқ ва косметика саноатида ҳам кенг қўлланилади.

Қизил пироканта (*Pyracantha coccinea*) – доим яшил, манзарали, баландлиги 2–3 метргача етадиган зич шохланувчи, қисман тиканли бутадири. Барглари эллипсимон ёки ланцетсимон, узунлиги 2–4 см. Тўп гуллари майда, оқ, оқ-сарғиш ёки қизил-сарғиш рангда бўлади. Мевалари 5–7 мм, турли хил рангли – ёрқин қизил рангдан сариқ ранггача бўлади. Мевалари манзарали бўлиб, ўсимликда узоқ вақт сақланади. Июнь ойида гуллайди, сентябрь ойида мевалари пишиб етилади. Илдиз бачкисидан кўпаяди.

Ватани – Жанубий Европа, Кичик Осиё ва Кавказ мамлакатлари. Марказий Европа ва Шимолий Америкага XVIII асрда, Марказий Осиё республикаларига эса XX асрнинг бошларида интродукция қилинган.

Манзарали ўсимлик сифатида кўкаламзорлаштиришда ишлатилади. Куруқ ва механик таркиби оғир бўлган тупроқ шароитида яхши ўсиб ривожланади. Саноат корхоналари ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда ҳам мос келади.

Дейция (*Deutzia*) – доим яшил, баъзан барги тўкиладиган, ёйилиб ўсувчи, баландлиги 1–4 метргача етадиган бута ўсимлиги бўлиб, бизнинг шароитимизда 25 йилгача яшайди. Ватани Шарқий Осиё, Ҳимолай ва Мексика мамлакатлари ҳисобланади.

Ўсимлик қийғос ва узоқ муддат гуллаши билан алоҳида эътиборга молик бўлиб, баҳор ва ёз ойларида гуллайди. Унинг оқ, бинафшаранг ёки қизғиш рангли гулловчи навлари мавжуд.

Ёруғсевар ва қурғоқчиликка чидамли бута. Унумдор ва ўртача намли тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Шаҳар шароитига чидамли. Экилгандан сўнг 2-3-йиллари гуллайди. Кўкаламзорлаштиришда манзарали ўсимлик сифатида яққа ва гуруҳ ҳолида, бордюр шаклида ишлатилади.

Лавр олчаси *Prunus laurocerasus*) – доим яшил, баландлиги 2–6 метргача етадиган зич шохланувчи ва нисбатан йирик баргли бутадири. Барглари овалсимон, узунлиги 8–10 см, устки қисми силлиқ ва ялтироқ. Тўпгуллари майда, оқ ёки оқ-сарғиш рангли бўлади. Мевалари қизғиш рангда бўлиб, манзарали кўринишга эга.

Ватани – Евроосиё ва Америка. Қора денгиз соҳилидаги ҳудудларда ўсади. Манзарали ва доим яшил ўсимлик сифатида кўкаламзорлаштиришда ишлатилади. Жонли девор сифатида, гуруҳ шаклида ва қияликларни мустаҳкамлашда кенг қўлланилади. Унинг баргларида тинчлантирувчи дори воситаси олинади. Чириндига бой карбонатли, оҳақли ва қумоқ тупроқ шароитида яхши ўсиб ривожланади.

Ушбу манзарали бута ёз ойларида гуллайди, кузда эса манзарали мевалар ҳосил қилади ва улар новдаларида узоқ муддат сақланади. Буталар ўзининг манзаравийлигини узоқ йиллар давомида сақлаб туриши учун доимий равишда парваришлаш, шохларини кесиб ёшартириш ва меъёр даражасида озиклантириш лозим. Шаҳарнинг истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар ва автомобиль йўлларининг бўйларида яққа ҳолда ёки гуруҳ ҳолида экиб, манзарали композициялар ҳосил қилиш мумкин.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бердиев Э. Т., Одилхонов С. О., Чоршанбиев Ф. М. Манзарали буталар // «AGRO ILM» журнали. Тошкент, 2014. №2-3. 60-62-бетлар.
2. Холмуротов М. З., Халимов Д. *Betula* L. туркумидаги турларнинг биохилма-хиллиги ва улардан кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш // «Современные проблемы сохранения биоразнообразия плодовых и лесных культур». Сборник конференцию молодых ученых. Ташкент, 2011. С. 95-98.